

ЖИНОЯТ ҲАҚИДА ХАБАР БЕРМАСЛИК ЁКИ УНИ ЯШИРИШНИНГ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИ БЕЛГИЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Эрхонов Жасур Абдумурод ўғли
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
бошқарма катта прокурори
jasurerhon721@gmail.com
<https://doi.org/10.5281/zenodo.13986287>

Аннотация. Мазкур мақолада жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишнинг субъектив томони белгиларининг ўзига хос жиҳатларига доир масалалар баён этилган. Шунингдек, мақолада муаллиф жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишнинг субъектив томони белгилари билан боғлиқ олимларнинг назарий қарашларини таҳлил этиб, ўз фикир ва мулоҳазаларини бериб ўтган.

Калит сўзлари: Айб, жазо, жавобгарлик, жиноят, содир этиш, жиноятнинг субъектив томони, хабар бермаслик, яшириш, ҳаркат, ҳаркатсизлик.

НЕСООБЩЕНИЕ ИЛИ СОКРЫТИЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ СПЕЦИФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ СИМПТОМАТИКИ С СУБЪЕКТИВНОЙ СТОРОНЫ

Эрхонов Жасур Абдумурод ўғли
Генеральная прокуратура Республики Узбекистан
старший прокурор управления
jasurerhon721@gmail.com

Аннотация: В данной статье рассматриваются особенности проявления субъективной стороны несообщения о преступлении или его сокрытия. Также в статье автор проанализировал теоретические взгляды ученых, касающиеся признаков субъективной стороны сокрытия преступления или его сокрытия, и высказал свои мысли и мнения.

Ключевые слова: Вина, наказание, ответственность, преступление, совершение, субъективная сторона преступления, несообщение, сокрытие, действие, бездействие.

FAILURE TO REPORT OR COVER UP A CRIME SPECIFIC ASPECTS OF THE SYMPTOMS OF THE SUBJECTIVE SIDE

Erkhanov Jasur Abdumurad ogli
General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan
senior prosecutor of the department
jasurerhon721@gmail.com

Abstract: This article deals with the specific aspects of the symptoms of the subjective aspect of not reporting a crime or concealing it. Also, in the article, the author analyzed the theoretical views of scientists related to the signs of the subjective side of not reporting the crime or concealing it, and gave his thoughts and opinions.

Key words: Guilt, punishment, responsibility, crime, commission, subjective side of the crime, failure to report, concealment, action, inaction.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 10-моддасига кўра, қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт. Мазкур принципиал норма ҳамда жиноят ҳуқуқи назариясига кўра, жиноятни

бевосита содир этган ёки унинг содир этилишида иштирок этган ҳар бир шахснинг ҳаракати ёки жиноий ҳаракатсизлигининг ҳуқуқий оқибати сифатида содир этилган қилмишга нисбатан жиноий жавобгарлик вужудга келади. Шунинг учун олиш лозимки, шахсни жавобгарликка тортиш учун, албатта, содир этилган жиноят ва айбдорнинг ҳаракатлари ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги аниқланиши лозим. Яъни, жиноят қонунда белгиланган ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс томонидан содир этилган ёки шахс жиноят содир этилишида бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи сифатида иштирок этган бўлсагина жиноий жавобгарлик юзага келади. Бошқа ҳоллар, масалан шахснинг ижтимоий ҳавфи қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлиши, жиноятнинг содир этилишида шахснинг жиноятга дахлдорлик белгилари мавжуд эмаслиги, содир этилган жиноят ҳамда шахснинг муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги ўртасида сабабий боғланишнинг мавжуд эмаслиги жиноий жавобгарликни вужудга келтирмайди.

Аммо, жиноят қонунида жиноятга тайёргарлик кўрилатганлиги, жиноят содир этилатганлиги ёки жиноят содир этилганлиги ҳақида аниқ била туриб, олдиндан ваъда бермаган ҳолда, ҳокимият органларига хабар қилмаган шахсларга, шунингдек жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли ёки воситаларини, жиноят изларини ёки жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олдиндан ваъда бермаган ҳолда яширган шахсларга нисбатан, гарчи уларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлигида жиноятнинг содир этилишига нисбатан сабабий боғланиш белгиси мавжуд бўлмаса-да, уларнинг қилмишига нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланади. Жиноят ҳуқуқида бундай ҳолатлар жиноятга дахлдорлик, деб топилади. Фақат оғир ёки ўта оғир жиноятнинг содир этиши билан боғлиқ вазиятда жиноят сифатида эътироф этилади (яъни, қонунда ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларнинг содир этилиши юзасидан бундай жавобгарлик назарда тутилмайди).

ЖК 241-моддасида оғир ёки ўта оғир жиноятларга тайёргарлик кўрилатганлиги ва содир этилганлиги тўғрисида аниқ билгани ҳолда хабар бермаслик ёки оғир ёхуд ўта оғир жиноятларни яшириш учун жавобгарлик белгиланган. Қайд этиш жоизки, жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш бевосита одил судлов манфаатларига қарши қаратилади ҳамда суриштирув, тезкор-қидирув, тергов, прокуратура ва суд органларининг жиноятларни фош этиш ва жиноят содир этган шахсларга нисбатан адолатли жазо тайинлаш, шу орқали жиноят содир этган ва бошқа шахслар томонидан янги жиноят содир этилишини олдини олиш ҳамда фуқароларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашдек ўта муҳим фаолиятини тартибга солувчи ижтимоий муносабатларга таҳдид қилади.

Дарҳақиқат, жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишнинг жиноят-ҳуқуқий тавсифини тадқиқ этиш мазкур жиноятнинг субъектив белгиларига тааллуқли бўлган бир қатор баҳсли масалалар мавжудлигини кўрсатади ва уларга ойдинлик киритишни талаб этади. Жиноят ҳақида хабар бермаслик ҳам, уни яшириш ҳам субъектив томондан тўғри қасд билан содир этилади¹. Айбдор унга қонун

¹ Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Т.4. Махсус қисм. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар. Экология соҳасидаги жиноятлар. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар: Дарслик. – Тошкент: ILM ZIYO, 2011. – Б. 389, 391.

томонидан юклатилган бурчини – аниқ маълум бўлган, тайёрланаётган, содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида хабар беришни – бажармаётганлигини билади ва шуни хоҳлайди. Шунингдек, шахс оғир ёки ўта оғир жиноятни яшираётганини билади ва буни хоҳлайди.

Айбдор ўзининг тайёрланаётган, содир этилаётган, содир этилган жиноятлар тўғрисида ваколатли ҳокимият идораларига хабар беришдек ҳуқуқий мажбуриятини бажармаганлигини билади, лекин шундай бўлса-да, буни хоҳлайди”².

Жиноят қонунининг мазмунига кўра, жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишнинг субъектив томони, бизнинг назаримизда, тўғри қасд билан тавсифланади, деб фикр билдирган олимларнинг нуқтаи назари³ асосли. Шу маънода Б.Т.Разгильдиевнинг “жиноятни яширганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи таркибнинг тузилиши оқибатларни объектив томоннинг мустақил белгиси сифатида ажратмайди. Улар ҳаракатнинг ўзида ифодаланади. Бинобарин, шахс мазкур ҳаракатларни содир этишни истар экан, оқибатларнинг юз беришини истамаслиги ҳам мумкин эмас. Яширувчиликда айбнинг интеллектуал-руҳий мазмуни қуйидагича тавсифланади. Яширувчи ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавfli хусусиятини англайди, жиноятчини, жиноятнинг қуроллари ёки воситаларини, жиноят изларини яшириш орқали у жамоат хавфсизлигига зарар етказаётганини тушунади, ўзининг ҳаракатлари натижасида асосий жиноятчи жиний жавобгарлик ва жазодан қутулиб қолишига кўзи етади. Унинг мақсади яширишдан иборат бўлгани боис, у айна шу оқибатлар юз беришини истайди”⁴, деган қўшилиш мумкин. Гарчи бу ерда муаллиф олдиндан ваъда қилинмаган яширувчиликнинг объекти сифатида жамоат хавфсизлигини белгилаган бўлса-да, унинг кўриб чиқиляётган жиноят таркибининг субъектив томони хусусидаги фикрига қўшилиш ўринли, деб ўйлаймиз. Илгари ҳам шунга ўхшаш фикр илгари сурилган эди: “Яширувчининг қасди мазмунига бажарувчи илгари содир этган жиноятнинг хусусиятини англаш, ўз ҳаракатлари билан яширувчи мазкур жиноятни яширишга кўмаклашаётганини тушуниш ва бундай кўмак кўрсатишни исташ киради”⁵. Бундан ташқари, формал таркиблар ҳақидаги умумий таълимотга кўра, формал таркибли жиноят фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин⁶. Формал таркибли жиноятларда объектив томоннинг қилмишнинг ижтимоий хавfliлик даражасини ифодаловчи белгиси сифатида барча ҳолларда қонун билан тақиқланган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар амал қилади. Шу туфайли ҳам формал таркибларда қасднинг руҳий мазмуни ижтимоий хавfli ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)нинг ўзига руҳий муносабат билан белгиланади. Бинобарин, формал

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. / З.Х.Ғуломов, Р.А.Зуфаров, Р.Қ.Қобулов ва бошқ. – Тошкент: Адолат, 1997. – Б. 303.

³ Масалан, Комментарий к УК РФ с постатейными материалами и судебной практикой. – Ростов-на-Дону, 2002. – С. 765–766.; Комментарий к УК РФ/Ген.прокуратура РФ; Под общ. ред. Ю.И.Скуратова, В.М.Лебедева. – 3-е изд. измен. и допол. – М.: Норма, 2001. – С. 787–782.; Мельниченко А.Б., Радачинский С.Н. Уголовное право. Учебное пособие. – Ростов-на-Дону, 2002. – С. 387.; Гаухман Л.Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. – М., 2001. – С. 234.

⁴ Разгильдиев Б.Т. Уголовно-правовые проблемы прикосновенности к преступлению. – Саратов, 1981. – С. 65. Шунга ўхшаш фикрни П.Гришанин ҳам илгари сурган (Гришанин П. Ответственность за укрывательство преступлений и недонесение о них // Советская юстиция. №15. 1975. – С. 22.).

⁵ Курс уголовного права. Под ред. Пионтковского А.А. Т. 2. – М., 1970. – С. 177.

⁶ Кадников Н.Г. Квалификация преступлений и вопросы судебного толкования: теория и практика: Учебное пособие. – М., 2003. – С. 32.

таркибли жиноятлар содир этилганда қасднинг руҳий элементи ҳар доим жиноят қонуни билан тақиқланган ижтимоий хавфли ҳаракатларни содир этиш ниятида гавдаланади, яъни у фақат тўғри қасд бўлиши мумкин⁷.

Яширувчи қасдининг мазмунига, энг аввало, унинг ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаш киради. Қасддан амалга ошириладиган жиноий фаолиятнинг бошқа шаклларида субъектив томоннинг мазмуни асосан фақат ўз қилмишининг хусусиятини ва жиноий оқибат юз бериши мумкинлигини англаш билан чекланса, олдиндан ваъда қилинган яширувчиликда субъектив томон, юқорида кўрсатилган омиллардан ташқари, айбдор бошқа шахс томонидан содир этилган жиноятнинг хусусиятини англашини ҳам ўз ичига олади.

Яширувчи қасдининг мазмунида у жиноятнинг бажарувчиси томонидан содир этилган жиноятнинг хусусиятини англаши улкан аҳамият касб этади, чунки у Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунига мувофиқ оғир ёки ўта оғир жиноятни яшириш учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Бизнинг назаримизда, жиноят ҳуқуқи назариясидаги баъзи нуқтаи назарлар баҳсли бўлиб қолаётир. Масалан, Г.Б.Виттенберг, П.Н.Панченконинг қайд этишича, жавобгарлик жазони оғирлаштирувчи белгиларга эга бўлган жиноятларни яширганлик учун белгиланган ҳолларда яширувчининг онги билан мазкур белгилар ҳам қамраб олинган бўлиши керак⁸. Маълумки, жиноятнинг, айниқса уларнинг жазони оғирлаштирувчи белгиларига кўра, оғирлик даражасини фақат шу соҳа мутахассислари аниқлашлари мумкин. Шу туфайли ҳам биз А.Д.Макаровнинг “яширувчининг уни жиноий жавобгарликка тортиш учун зарур бўлган хабардорлик даражаси камида у қандай жиноят содир этилганини билишидан иборат бўлиши керак”⁹, деган фикрига қўшилаемиз. Муаллифнинг фикрига кўра, “айбдор ўзи айнан ўта оғир жиноятни яшираётганини билишини талаб қилиш қонуннинг ўзини билиш ва асосий жиноятга юридик баҳо бера олиш, яъни уни квалификация қилиш уқувига эга бўлиш талаби ҳисобланади.

Бу талаблар асосли эмас: *биринчидан*, қонунни билмаслик аксарият ҳолларда жиноий жавобгарликдан озод қилмайди (бу ерда айнан шундай ҳол мавжуд); *иккинчидан*, аҳолидан содир этилган (асосий) ижтимоий хавфли қилмишга юридик баҳо бериш кўникмасига эга бўлишни талаб қилиш мумкин эмас”¹⁰.

Мазкур қоида тадқиқотчилар томонидан илгари ҳам муҳокама қилинган бўлиб, Л.С.Белогриц-Котлярский “жиноятга дахлдорлик учун жавобгарликка тортиш учун талаб этиладиган содир этилаётган қилмишни тушуниш ҳажми, унга “*delictum sui generis*” сифатида қаралганда, субъект қилмишнинг жиноийлигини қисман ёки муфассал эмас, балки умуман билишини назарда тутати”¹¹, дейди. Шу туфайли ҳам,

⁷ Рарог А.И. Квалификация преступлений по субъективным признакам. – СПб., 2002. – С. 206.

⁸ Виттенберг Г.Б., Панченко П.Н. Прикосновенность к преступлению по советскому уголовному праву: Учебное пособие. – Иркутск, 1976. – С. 18.

⁹ Комментарий к УК РФ. Расширенный уголовно-правовой анализ с материалами судебно-следственной практики / Под общ. ред. В.В.Мозякова. – М., 2002. – С. 742.; Комментарий к УК РФ с постатейными комментариями и судебной практикой / Под общ. ред. С.И.Никулина. – М., 2002. – С. 992.

¹⁰ Макаров А.Д. Укрывательство преступлений и совершенствование уголовного законодательства // “Черные дыры” в Российском законодательстве. 2004. – С. 108.

¹¹ Белогриц-Котляревский Л.С. Учебник русского уголовного права. – Киев, 1983. – С. 221–223.

олдиндан кўра билиш жиноятни яширувчи қасдининг элементи сифатида, қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим: а) унинг жиноятчини ёки жиноятни содир этиш қуроли ва воситасини ёхуд жиноятнинг изларини ёки жиноий йўл билан қўлга киритилган ашёларни яшираётганини англашини; б) қайси турдаги жиноятни яшираётганини англашини¹².

Хулоса қиладиган бўлсак, жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишнинг субъектив томонини тавсифлаш учун мазкур жиноятнинг мотиви ва мақсадини аниқлаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Гарчи кўриб чиқиладиган жиноятда мотив жиноят таркибининг субъектив белгилари қаторида кўрсатилган бўлмаса-да, айбни аниқлаш учун, шунингдек жазо тайинлаш пайтида аҳамиятга эга бўлади.

References:

1. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи (умумий қисм): Дарслик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – Б. 297-298.
2. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар (умумий қисм). Б.М.Мустафоевнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: ILM-ZIYO, 2006. –Б.250.
3. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. / А.С.Якубов, Р.Кабулов, З.С.Зарипов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. –Б.216.
4. Новый юридический словарь. / Под ред. А.Н.Азрилияна. – М.: Институт новой экономики, 2008. –С.788.
5. Трифонов В.Г. Заранее не обещанное укрывательство преступлений и несообщение о них как виды прикосновенности к преступлению. – Дисс. ...канд. юрид. наук. – СПб., 2000. – С. 15, 18.
6. Хабибуллин М.Х. Ответственность за укрывательство преступлений и недоносительство по советскому уголовному праву. – Казань, 1984. – С. 26, 27.
7. Косякова Н.С. Прикосновенность к преступлению по российскому уголовному праву: становление, состояние и перспективы развития. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2001. – С. 6, 12, 15.
8. Макаров А.Д. Уголовная ответственность за прикосновенность к преступлению. Дисс. на соис. уч. степ. канд. юрид. наук. – М., 2004. – С. 10, 89, 90.
9. Комментарий к УК РФ. Под ред. А.И.Бойко. – Ростов-на-Дону, 1996. – С. 639–640.
10. Минин А.Е. Уголовная ответственность за приобретение или сбыт имущества, заведомо добытого преступным путем. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2004. – С. 8.
11. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи (умумий қисм): Дарслик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. –Б.298.

¹² Курс уголовного права. Под ред. Пионтковского А.А. Т. 4. – М., 1970. – С. 491.